

САГДУЛЛАЕВА Дилфуза Каримуллаевна
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар кафедраси
доценти, филология фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD)
E-mail: dilfuzasagdullaeva@gmail.com

“МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ” АСАРИДА “ҲАРФ” КАТЕГОРИЯСИНИНГ ЎРИТИЛИШ ПРИНЦИПЛАРИ

ПРИНЦИПЫ ОСВЕЩЕНИЯ КАТЕГОРИИ «ХАРФ» В ТРАКТАТЕ «МУҚАДДАМАТУ-Л-АДАБ»

PRINCIPLES OF INTERPRETING THE CATEGORY OF “HARF” IN THE WORK “MUQADDAMATU-L-ADAB”

Аннотация: Мазкур мақолада араб тилидаги сўз туркуми тизимида “ҳарф” категориясининг ўрни ва таснифи масаласи илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Араб грамматистлари ва шарқшунос олимларнинг қарашлари қиёсий жиҳатдан ўрганилиб, “ҳарф” тушунчасининг ўзбек тилидаги қўлланилиши билан фарқли жиҳатлари очиқ берилган. Тадқиқотнинг асосий объекти Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асари бўлиб, унда ҳарф туркуми (ёрдамчи сўзлар)нинг структур-грамматик хусусиятлари мумтоз ва замонавий шарқ тилшуносларининг бу борадаги фикрлари асосида қиёсий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: араб наҳви, ҳарф туркуми, ёрдамчи сўзлар, структур хусусият, қомусий асар, исмлар, феъллар, тасниф.

Аннотация: В статье исследуется место и классификация категории «харф» в системе частей речи арабского языка. В сравнительном аспекте анализируются взгляды арабских грамматистов и востоковедов, выявляются различия в употреблении термина «харф»

в арабском и узбекском языках. Основное внимание уделено трактату Махмуда Замахшари «Мукаддамату-л-адаб», где структурно-грамматические особенности категории «харф» рассматриваются в контексте сравнительно-теоретического анализа, основанного на мнениях классических и современных восточных лингвистов.

Ключевые слова: арабская грамматика, часть речи харф, вспомогательные слова, структурный характер, энциклопедия, существительные, глаголы, классификация.

Abstract: This article examines the classification of the category “harf” within the Arabic language’s system of parts of speech. It analyses the views of Arabic grammarians and Oriental scholars in a comparative manner and identifies differences in the use of the term “harf” in Arabic and Uzbek. Particular attention is given to Mahmud al-Zamakhshari’s treatise “Muqaddamatu-l-adab”, in which the structural and grammatical features of the harf category (function words) are considered in a comparative theoretical analysis based on the views of classical and modern Oriental linguists.

Key words: arabic grammar, part of speech harf, auxiliary words, structural feature, encyclopedia, nouns, verbs, classification.

КИРИШ

Маҳмуд Замахшарий ўзининг бой илмий мероси билан дунё илм-фани ривожига улкан ҳисса қўшган алломалардан саналади. Унинг тилшунослик, луғатшунослик, адабиётшунослик, исломшунослик ва бошқа фан соҳаларинга бағишланган нодир асарлари жаҳон мамлакатлари олимлари томонидан эътироф этилган ва юксак баҳоланган. Дунёнинг кўп машҳур кутубхоналари ва фонларида олимнинг 70 дан ортиқ номдаги асарларнинг нодир қўлёзмалари сақланмоқда [5:3].

Алломанинг илмий меросида араб тилшунослигига бағишланган машҳур ва кенг ўрганилган асарларидан бири – “Муқаддамату-л-адаб” дир. У қомусий асар бўлиб, фаннинг турли соҳалари бўйича бой маълумотлар

беради. “Муқаддамату-л-адаб” асари араб тилини араб бўлмаган халқларга ўргатиш мақсадида ёзилган. У дастлаб араб-форс-туркий тилларида яратилган. Ҳозирда асарнинг арабча-форсча-туркий, арабча-форсча-туркий-мўғулча, шунингдек, айрим маълумотларга кўра, грекча сўзлик киритилган нусхалари ҳам мавжуд [4:9].

АСОСИЙ ҚИСМ

Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамату-л-адаб” асари кўп тилли, мураккаб тузилишга эга бўлиб, бу каби асарлар филология фани тарихида кам учрайди [5:10]. Асар муқаддима ва беш қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда исмлар, иккинчисида феъллар, учинчисида ёрдамчи сўзлар (ҳарфлар) берилган. Тўртинчи бўлим исмлар эъроби (турланиши)га, бешинчи бўлим феъллар тасрифи (тусланиши)га бағишланган. М.Носированинг таъкидлашича, асарнинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари соф араб тилининг грамматик қоидаларига бағишланган бўлиб, араб тили чет тили сифатида ўқитиладиган барча мактабларда асосий қўлланмалардан бири бўлган [6:8].

“Муқаддамату-л-адаб” асарининг араб тилидаги исмлар ва феълларга бағишланган қисмлари ўзбек арабшунослари томонидан тадқиқ этилган бўлса-да, асарнинг ҳарфлар боби монографик планда тадқиқот объекти сифатида таҳлилга тортилмаган. Асарнинг ҳарфлар (ёрдмчи сўзлар)га бағишланган боби жуда кичик, тўрт саҳифа ҳажмга эга бўлиб, унда араб адабий тилида мавжуд бўлган ёрдмчи сўзлар маъно ва функциясига кўра назарий маълумотсиз, фақат мисоллар ёрдамида таснифланган¹.

Маълумки, араб тилида сўз туркуми уч қисм *الاسم al-ism*, *الفعل al-fi'l*, *الحرف al-harf*дан иборат. Араб тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам ёрдмчи сўзлар, яъни “ҳарф”ларнинг кўп қўлланилиши барча тилшуносларга маълум. Араб тилидаги “ҳарф” атамаси ўзбек тилидаги “ҳарф” атамасига нисбатан кенгрок

маънода қўлланилади ва у “товуш”, “ҳарф” (товушнинг ёзувдаги белгиси) ҳамда ёрдмчи сўзларни ўз ичига олади. Ҳозирги замон араб грамматистларидан бири Антуан Даҳдаҳнинг иборасига кўра, ҳарфлар икки турли бўлиб, улар алифбо ҳарфлари *حروف المباني (hurufu-l-mabaaniy)* ва маъно англатувчи ҳарфлар *حروف المعاني (hurufu-l-ma'aaniy)*га бўлинади [9:17]. Ўзбек тилида қўлланилувчи ҳарф атамаси араб тилидаги *حروف المباني* – алифбо ҳарфларига мос келса, араб тилидаги *حروف المعاني* ўзбек тилидаги ёрдмчи сўз туркумига мос келади. Шунингдек, араб грамматистлари бу туркумни *حرف جاء لمعنى (harf jaa 'a lima 'naa)* [1:120], *حروف المعاني (hurufu-l-ma'aaniy)* [9:13], *فصل الحروف (faslu-l-huruf)* каби номлар билан атайдилар. Арабшунос олимлардан Н.В. Юшманов *حروف المعاني (hurufu-l-ma'aaniy)*га қуйидагича таъриф беради: “Араб тилида алоҳида ишлатилмайдиган, маъноси бошқа сўзлар билан бирикиб келгандагина англашиладиган ёрдмчи сўз ёки қўшимчалар “ҳарф” дейилади” [7:112-116].

Б.М. Гранде бу туркумни ёрдмчи (ўзгармас) юкламалар деб атаб, предлоглар, боғловчилар ва асл маънодаги равишларни мазкур туркумга киритади. Араб наҳвчилари эса бу ёрдмчи сўзларни ўз маъно ва вазифаларига *حروف الجز*, кўра номлайдилар. Масалан *حروف العطف*, боғловчилар - *حروف النداء* [9:17]. [ундов юкламалари каби [9:17].

Демак, “ҳарф” деганда араб тилида алоҳида ишлатилмайдиган, бошқа сўзлар билан бирикиб келгандагина маъноси англашиладиган ёрдмчи сўз ва қўшимчалар тушунилади. Ҳарфлар предлог, юклама ва боғловчилардан иборат бўлиб, ўзидан кейин келаётган сўзга ўз таъсирини ўтказиши ёки ўтказмаслиги билан характерланади.

“Муқаддамату-л-адаб” асарида Маҳмуд Замахшарий “ҳарфлар” мавзусини шарҳлашда жуда мухтасар йўлни танлаган ҳамда уларни бажарадиган вазифасига кўра фаслларга ажратган. Асарда шарҳлар деярли мавжуд эмас. Мавзуни ёритишда муаллиф мисоллардан жуда ўринли фойдаланган.

“Муқаддамату-л-адаб”нинг учинчи ҳарфлар қисми саккиз фаслдан иборат бўлиб, улар қуйидагилардир:

¹ Изоҳ.Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг Қўлёзмалар фондида 871542/4 рақами остида сақланаётган XIX асрда тошбосма усулда босилган мажмуа асарнинг ҳарфларга оид 521-524-саҳифаларидан фойдаланилган.

1. فصل في الحروف التي تجزى الأسماء. – Исм туркумидаги сўзларнинг қаратқич келишикда бўлишини талаб қилувчи ҳарфлар фасли.

2. فصل في الحروف التي تنصب الأسماء. – Исм туркумидаги сўзларнинг тушум келишигида бўлишини талаб қилувчи ҳарфлар фасли.

3. فصل في الحروف التي تنصب الاسم وترفع الخبر. – Исм туркумидаги сўз билан ифодаланган эгани тушум келишикда, кесимни бош келишикда бўлишини талаб қилувчи ҳарфлар фасли.

4. فصل حرفان يرفعان الاسم وينصبان الخبر. – Исм туркумидаги сўз билан ифодаланган эгани бош келишикда, кесимни тушум келишикда бўлишини талаб қилувчи ҳарфлар фасли.

5. فصل في حروف التي تنصب المضارع. – Ҳозирги-келаси замон феълини “насб” (фатҳали) ҳолатида бўлишини талаб қилувчи ҳарфлар фасли.

6. فصل في حروف التي تجزم الفعل. – Феълнинг “жазм” (сукунли) ҳолатида бўлишини талаб қилувчи ҳарфлар фасли.

7. فصل في حروف العطف. – Боғловчилар фасли. Исм туркумидаги – فصل في حروف غير عاملة. 8. сўз ва феълларга таъсир этмайдиган ҳарфлар фасли

Маҳмуд Замахшарий мана шундай тарзда араб тилидаги барча ҳарфларни таснифлайди. “Исмларни қаратқич келишикда бўлишини талаб қилувчи ҳарфлар” деб номланган биринчи фаслда ўн еттита кўмакчининг ҳар бири мухтасар бир шаклда мисоллар билан берилган. Муаллиф ўзидан кейин келаётган исмни қаратқич келишикда келишини талаб қилувчи куйидаги предлогларни келтиради. Уларга: *بِ, مِنْ, إِلَى, فِي, إِنَّ, رَبِّ, رُبَّمَا, عَلَى, عَنْ, كَ*. *ما* уларнинг *مَذْ, حَتَّى, حَاشَا, خِلا, عِدا* ёки *عِدا* шакллари, шунингдек, қасамни ифодаловчи *بِ, وَ, بَ, ت* олд кўмакчилари киради. Бундан ташқариб у ҳозирги-замон араб тили дарсликларидан учрамайдиган, бироқ луғатларда маъноси келтирилган, *رُبَّ* олд кўмакчисининг *رُبَّتْ* ва *رُبْتُ* шакллари ҳам келтириб ўтган. Биринчи фаслдаги олд кўмакчилар қачон ва қандай маънода қўлланилиши муаллиф томонидан фақат мисоллар орқали берилган.

Иккинчи фаслда еттита юклама келтирилган бўлиб, улар қуйидагилар: “истисно”лик

маъносини билдирувчи *إِلَّا*, ундов-чакирикни ифодаловчи *يَا, أَيْ, هِيَ, أَيْ, يَا* – маъносини англатувчи *أَلْهَمَ*, яъни ҳамда замонавий ўзбек арабшунослари “биргалик тўлдирувчиси” [6:10]] деб номлайдиган – *وَ* боғловчиси.

Учинчи фаслда замонавий араб грамматистлари “Эгага таъсир қилувчи юкламалар” [8:71], араб нахвчилар [9] *إِنَّ وَ أَخَوَاتُهَا* деб номлайдиган барча арабшуносларга маълум олти – *لَعَلَّ, لَكِنْ, لَيْتَ, كَأَنَّ, أَنْ, إِنَّ* юкламалари ҳақида маълумот берилган. Шунингдек, “Исм билан ифодаланган эгани бош келишикда, кесимни тушум келишикда бошқарувчи юкламалар” номли тўртинчи фаслда, *لَا* ва *مَا* инкор юкламалари мисоллар ёрдамида санаб ўтилган.

Бешинчи фаслда ҳозирги келаси-замон феълини “насб” (фатҳали) ҳолатида бошқарувчи тўртта юклама берилган. Улар – истакни билдирувчи *أَنْ*, кучли инкор мазмунини ифодаловчи *لَنْ*, иш-ҳаракатнинг мақсад-сабабини англатувчи *كَيْ* ва *إِذَنْ* юкламаларидир. Шунингдек, *أَنْ* юкламасининг таркибида унинг маъносини берувчи *وَأَوْ, لَوْ, فَ, حَتَّى* каби боғловчилар келтирилган. Б.М.Гранде ўзининг асарида юқоридаги боғловчиларни *أَنْ* таркибида эмас, балки мустақил ҳолда келтиради [1:160].

Олтинчи фаслда муаллиф феълни “жазм” (сукунли ҳолат) қилувчи бешта – *أَنْ, لَمْ, لَمَّا, لَ, لِي* ва буйруқ майлининг инкор шаклини яшашда қўлланилувчи *لَا* юкламалари ҳақида маълумот беради.

“Боғловчилар фасли” деб номланган еттинчи фаслда тўққизта боғловчи, жумладан, бириктирувчи *وَأَوْ, فَ, ثُمَّ*, айирувчи *أَوْ, وَ, فَ*, зидловчи *بَلْ, لَكِنْ* ҳамда *لَا* ва боғловчилари изоҳланган, шунингдек, *ثُمَّ* нинг шакли ҳам қўлланилган. Бу шакл ҳозирги замон араб тилида дарсликларининг ҳеч бирида мавжуд эмас.

Сўнгги фаслда исм ёки феълга таъсирсиз бўлган ўн тўққизта юклама ва боғловчилар келтирилган бўлиб, улар қуйидагилардир: *لَوْ...لَ, لَوْ...لَا, قَدْ, سَ, سَوْفَ, كَلَّا, هَلْ, أَمْ, أَوْ, نَعَمْ, أَجَلْ, بَلَى, إِي, لَ* инкор жавобларда қўлланилувчи *لَا* юкламаси ҳамда *لَا, أَمْ...أَمْ...فَ, أَلَا, أَمْ* лар.

ХУЛОСА

“Муқаддамату-л-адаб” асарида жами етмиш тўртта юклама, кўмакчи ҳамда боғловчилар ҳақида маълумот учратамиз. Шунинг таъкидлаш жоизки, асарнинг ҳарфларга бағишланган қисми жуда мухтасар ва мукаммал тарзда, ҳарфларга ҳеч бир изоҳ берилмаган ҳолда таълиф қилинган. Лекин шунга қарамай, асар ҳам назарий, ҳам амалий характерга эга. Унинг назарий аҳамияти ёрдамчи сўзларнинг мукаммал ва аниқ таснифида бўлса, амалий аҳамияти ўқув қўлланма хусусиятига эғалигидадир. Араб тилидаги ёрдамчи сўзлар ҳақидаги бирламчи маълумотларни дарслик ва ўқув қўлланмаларда учратиш мумкин. Маҳмуд Замахшарий асарида ҳарфларнинг структур хусусияти ўзига хос бўлиб, ҳеч бир араб тилига оид замонавий дарсликларда бу каби тасниф келтирилмаганлигини таъкидлаш ўринлидир. Тўлиқ номи “ҳуруфу-л-маъоний” бўлган ёрдамчи сўзларнинг мазкур асарда келтирилган таснифи методологик жиҳатдан қулайлиги билан ажралиб туради. Муаллиф асарда келтирган деярли барча ёрдамчи сўзлар ҳозирги замон араб тилида кенг қўлланилмоқда.

Демак, араб тилшунослигида ёрдамчи сўзлар сўз туркуми сифатида ўзига хос мавқега эга бўлиб, нахвга оид асарларда турлича ёритилган. Улар ҳақидаги маълумотларни жамлаш ва қиёслаш мазкур ёрдамчи сўзларнинг ўзига хос хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш ва дарс жараёни татбиқ этиш борасида кенг имконият яратади.

ФОЙДАНИЛГАН МАНБА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. – М.: Вост. лит., 1963. – С. 160.
2. Гиргас В. Очерк грамматической системы арабов. – СПб.: Типография Императорской Академии Наук, 1873. – 203 с.
3. Звегинцев В.А. История арабского языкознания. Краткий очерк. – М.: МГУ, 1958. – 80 с.
4. Исломов З.М. «Муқаддамату-л-адаб» ҳақида // Шарқ машъали. – Тошкент, 1996. 2-сон. – Б. 9.
5. Исломов З.М. Муқаддамату-л-адаб: грамматик рисоалар. – Т.: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2020. – Б. 3.
6. Носирова М. Ўрта аср араб нахвидан намуналар (Маҳмуд Замахшарийнинг “ал-Унмузж фи-н-нахв” рисоласи асосида). – Т.: ТошДШИ, 2004. – Б. 8.
7. Юшманов Н.В. Грамматика литературного арабского языка. – М.: Наука, 1985. – С. 112-116.
8. Юшманов Н.В. Работы по общей фонетике, семитологии и арабской классической морфологии. – М.: РАН, 1998. – 271 с.
9. السفير انطوان الدحاح . معجم قواعد العربية العالمية. لبنان، 1992. ص 233.